O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI

2001 YIL 5 MAY ◆ SHANBA ◆ № 51 (26.753)

4 май, Москва. ЎзА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар беради.

Бугун Президент Ислом Каримов номаълум аскар қабрига гул қўйиб, фашизм устидан ғалаба қозонилган сана — 9 май арафасида марҳумлар руҳини ёд этди.

Кремлда давлатимиз раҳбари ва унинг рафиқасини расмий кутиб олиш маросимидан сўнг, Ўзбекистон ва Россия президентлари яккама-якка суҳбатлашди. Мулоқот чоғида икки мамлакат ўртасидаги муносабатларнинг барча жабҳалари атрофлича муҳокама этилди.

ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ВЛАДИМИР ПУТИН БИЛАН УЧРАШУВИ

Жумладан, суҳбат чоғида давлатимиз раҳбари икки томонлама савдо-иқтисодий муносабатлар тузилмасини қайта кўриб чиқиш зарурлигини таъкидлаб, Россиянинг Ўзбекистон бозорида янада фаоллашуви ҳар икки томон учун ҳам фойдали бўлишига эътиборни қаратди. Президентимизнинг фикрича, бу жараён қўшма корхоналар тузиш ва хусусийлаштириш дастурларида қатнашиш шаклида бўлиши мумкин.

Президентлар учрашувида Ўзбекистон — Россия савдо палатасини тузиш тўғрисида сўз борган ва айни масала юзасидан деярли келишувга эришилган. Айни пайтда В. Путин Россия Хавфсизлик кенгашида икки мамлакат ўртасидаги ҳарбий-техникавий алоқалар мониторинги бўйича махсус гуруҳ тузишни таклиф этган.

Мулоқот чоғида Марказий Осиёдаги хавфсизлик масаласига катта эътибор қаратилди. Ислом Каримов Россия билан бу соҳадаги ҳамкорлик минтақада халқаро террорчиликка қарши курашнинг муҳим шартларидан бири эканлигини таъкидлади. Жиноий гуруҳларнинг Ўзбекистон ва Қирғизистонга суқилиб кириши қайта такрорланмаслиги учун Россия билан ҳамкорлик зарурдир. Бундай гуруҳлар пайининг қирқилишидан Россия ҳам жуда манфаатдордир. Чунки, халқаро террорчилик Шимолдаги ҳамкоримизни ҳам четлаб ўтмаётганлиги сир эмас.

Икки давлат делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокараларида йиғилиб қолган муаммоларга ечим топиш, ҳамкорликни ҳар томонлама кенгайтириш борасида фикр алмашилди. Томонлар ҳарбий-техникавий, иқтисодий, маданий ва ижтимоий соҳаларга оид масалаларни муҳокама қилди. Музокаралар якунида ҳужжатларни имзолаш маросими бўлди. Ислом Каримов ва Владимир Путин Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси Президентларининг Қўшма баёноти ҳамда Чегара масаласи бўйича ҳамкорлик тўғрисидаги шартномага имзо чекди.

1999 йилнинг декабрида В.Путиннинг Тошкентга ташрифи чоғида икки давлат ўртасида ҳарбий ва ҳарбий-техникавий соҳаларда ҳар томонлама ҳамкорликни янада чуқурлаштириш тўғрисидаги шартнома қабул қилинган эди. Ана шу ҳужжатнинг ратификация ёрлиқларини алмашиш ҳақидаги протокол имзоланди.

Шунингдек, иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия, ўзаро савдода билвосита солиқ олиш тамойиллари, контрабанда ва божхона қонунбузарлигига қарши курашда ҳамкорлик, божхонага оид ҳужжатлар ва тартиб-қоидаларни ўзаро тан олиш, божхонадан ўтиш тартибини енгиллатиш ва соддалаштириш, маданий соҳада 2001-2003 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик тўғрисидаги ҳужжатлар қабул қилинди.

Кремлдаги тадбирлар ниҳоясига етгач, Президент Ислом Каримов Россия ҳукумати уйига ташриф буюрди. Бу ерда ҳукумат раиси Михаил Касьянов билан учрашув бўлиб ўтди. Тадбирда асосий эътибор савдо-иқтисодий ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантириш масаласига қаратилди.

Ўзбекистон — Россия муносабатларида фан ва таълим соҳалари алоҳида ўрин тутади. Президентимизнинг ташрифи дастурига Михаил Ломоносов номидаги Москва Давлат университетининг илмий кенгаши вакиллари билан учрашув киритилгани бежиз эмас. Мазкур учрашувда таълим соҳасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш, қўшма тадқиқотларни кўпайтириш ҳақида сўз борди.

Ислом Каримовнинг МДУга ташрифи чоғида бу ерда «Ўзбекистон: Мустақилликнинг ўн йили» мавзуида фотокўргазма ҳам ташкил этилди. Унда етмишдан ортиқ сурат ҳамда юртимизнинг бугуни ва ўтмиши ҳақида батафсил маълумот берувчи лавҳалар намойиш қилинмоқда.

■ (ЎзА)

Суратда: ташриф пайти.
Фарҳод ҚУРБОНБОЕВ олган сурат

ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАР

Одамзот пайдо бўлгандан бошлаб, адолат, разолат тушунчалари ҳам у билан бирга қадам ташлайди. Лекин, инсон ҳамиша адолат учун изланади. Унинг йўлларига баъзан узоқ кўз тикади. Разолатни йироқ ҳайдашга бутун умрини бахшида этади. Бироқ, нур борки соя ҳам у билан бирга. Биз эса ўзимиз тўғри бўлиб, атрофдагиларга бефарқ бўлмаслигимиз керак. Инсон ҳуқуқи, эркинлиги жуда катта тушунча, уни олам бўйлаб қарор топиши учун бутун инсоният минг йиллар давомида курашиб келмоқда. Адолат элтиб берилмайди. Ёки кимларнингдир томонидан четдан олиб ҳам келинмайди. Ҳар бир фуқаро ўз ҳуқуқи, эрки йўлида ҳаракатда бўлмоғи керак.

Республика Олий Мажлисининг, 11 май куни очиладиган, бешинчи сессиясида, бошқа муҳим масалалар билан бир қаторда, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг 2000 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ахборотни кўриб чиқиш ҳам мўлжалланмоқда. Ўзбекистон ХДПнинг парламентдаги фракцияси Омбудсман институтининг юртимизда демократия тамойилларини мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларига риоя қилишни таъминлашда муҳим аҳамиятга эгалигини ҳисобга олиб, шу масалага бағишланган «давра суҳбати»ни уюштирди.

«Омбудсманнинг 2000 йилдаги фаолияти: асосий якунлар, муаммолар ва истиқболдаги вазифалар ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили Сайёра Рашидова маъ-

руза қилди.

— Биз асосий эътиборни минтақадаги вакилларимиз билим ва савиясини оширишга қаратишимиз керак. «Давра суҳбатлари» бизга фикр беради. Назаримда, барча партия фракцияларида бундай суҳбатлар бўлиб ўтганида эди, фойдали бўларди. Чунки, жамият учун энг муҳим, бош масала инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашдир.

«Давра суҳбати»да «Ижтимоий фикр» жамоатчилик маркази директори Раъно Убайдуллаева, Олий Мажлис депутатлари Гулнора Йўлдошева, Бўритош Шодиева, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаш масъул ходими Михаил Елшов ва бошқалар Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг фаолияти юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Мулоқотни Ўзбекистон ХДП МК котиби, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидаги ХДП фракцияси раиси И. Кочмарик олиб борди.

■ **Фарруҳ ҲАМРОЕВ**
Шавкат АКРАМОВ олган сурат

ЮКСАК ЭҲТИРОМ

ИСЛОМ КАРИМОВ РОССИЯГА ИККИНЧИ БОР ДАВЛАТ ТАШРИФИ БИЛАН КЕЛДИ

Гаяз АЛИМОВ, «Известия» газетаси (2001 йил 4 май).

Россия дипломатияси амалиётида илгари бундай воқеа юз бермаган: сўнгги уч йил давомида Ўзбекистон Президентининг Москвага буюрган иккинчи ташрифига давлат мақоми берилди. Албатта, бунда расмий протокол бузилгани аниқ. Бироқ, 3 май оқшомида Ислом Каримов «Внуково-2» ҳукумат аэропортида давлат ташрифига хос барча расмий тартиб-қоидаларга риоя қилинган ҳолда кутиб олинди. Бунинг ўзига хос сабаблари бор. Ташқи ишлар вазирлигининг қонун-қоидага қатъий риоя қилувчи ходимларига энди юрак дориси ҳам ёрдам бермаса керак. Улар қанчалик қайғурмасин, ташвиш чекмасин, узоқ тарихга эга анъанавий дипломатик тартиб-қоида бузилди. Сабабки, давлат раҳбари лавозимида бўлган муайян шахс ўзининг раҳбарлик фаолияти давомида айнан бир мамлакатга икки марта давлат ташрифи буюриши ва ўша мамлакатда шундай мақомда қабул қилиниши мумкин эмас. Лекин бундай қоидадан мустасно ҳоллар ҳам бўлар экан.

Ўзбекистон раҳбари учун айнан шундай эҳтиром кўрсатилди. Кремль илк бор мисли кўрилмаган дўстона қадам қўйди ва буни шунчаки эмас, онгли тарзда қилди. Ислом Каримовнинг ташрифи арафасида Москвадаги дипломатик доиралар, айниқса, МДҲ давлатлари вакиллари бу ҳолдан ҳайрон бўлиб сўрашди: нима учун? Ўзбекистонлик дипломатлар усталик билан: «Сизларнинг президентларингиз ҳам Путин билан Каримовчалик қадрдон бўлсин-да», дея жавоб қайтаришди.

Ислом Каримов Москвага биринчи давлат ташрифи билан 1998 йилда келган эди. Ўшанда ҳам май ойининг илк кунлари эди. Унда В.Путин ҳали сиёсат майдонида танилмаган, Президент маъмуриятининг юқори мартабали ходимларидан бири эди. Фақат 1998 йилнинг июль ойида у ФСБ (Федераль хавфсизлик хизмати) директори этиб тайинланди. Ўшандан бошлаб В.Путин Россиянинг жанубий чегараларидаги хавфсизлик масалалари, шунингдек, Марказий Осиё оша келаётган жиддий таҳдидлар билан қатъий шуғуллана бошлади. Шундан сўнг, ФСБ директорининг Ислом Каримов билан норасмий учрашуви бўлиб ўтган, деган таҳминлар бор. Ўзбекистон Президентини шахсан танийдиган одамлар унинг тўғрисўз, қатъиятли, тафаккури равшан киши, оқил раҳбар эканлигидан гапиришади. Гап ўз давлатининг хавфсизлиги ва мудофаасига бориб тақалганда — ҳеч нарсасини аямайди. Ландовурларга тоқати йўқ. Баъзан бир қараши билан амалдорни довдиратиб қўйиши мумкин. В. Путинга бундай кучли одамнинг ёқиши табиий. Шундай қилиб, улар тимсолида нозик-таъбли Шарқ ва рус-немис руҳи ўзаро тил топишди. Хуллас, улар бир-бирининг мақсад-муддаосини англаган одамлар. Россия Ташқи ишлар вазирлигида эса Ислом Каримовнинг мамлакатимизга ташрифи борасида протоколдан чиқиб кетилганлигини шундай изоҳлашди: «Ҳар икки мамлакат раҳбарлари ўртасидаги муносабатлар кўлами ва миқёси шундайки, биз бу борада мустасно қилишга мажбур бўлдик».

«ИЗВЕСТИЯ» МАЪЛУМОТИ:

Ҳар икки давлат ўртасидаги товар айрибошлаш ҳажми 2000 йилда 1 миллиард АҚШ долларини ташкил этди. Бунда Ўзбекистондан Россияга қилинган экспорт 545 миллион долларни, импорт 464 миллион долларни ташкил этди. Экспортнинг асосий улушини машиналар ва жиҳозлар, пахта толаси, хизматлар, озиқ-овқат моллари ташкил этди. Импортда — машиналар ва жиҳозлар, кимё маҳсулотлари ва пластмасса, қора металл. Республикада 520 та Ўзбекистон — Россия қўшма корхонаси, шунингдек, Россия Федерацияси фирма ва компаниялари рўйхатга олинган. Россияда эса Ўзбекистон сармояси иштирокида тузилган 250 га яқин қўшма корхона мавжуд.

ХАВФСИЗЛИК — МУЗОКАРАЛАРНИНГ БОШ МАВЗУСИ

Россия оммавий ахборот воситалари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг давлат ташрифини кенг ёритмоқда. Жумладан, «Независимая газета» журналист Юрий Егоровнинг мазкур ташрифга бағишланган мақоласини чоп этди. Мақолада ҳар икки мамлакат ўртасида иқтисодий ва маданий соҳалардаги ҳамкорликка оид қатор ҳужжатлар имзоланиши алоҳида таъкидланади. Газетанинг ёзишича, минтақавий хавфсизлик масалалари ҳам музокараларда муҳим ўрин тутади.

Бугун Марказий Осиёда юзага келган жиддий вазият Ўзбекистон Президенти 90-йилларнинг биринчи ярмида катта ташвиш билан қилган башорат нақадар тўғри эканлигини кўрсатмоқда. Ислом Каримов ўша вақтдаёқ Марказий Осиё мамлакатлари хавфсизлиги ва минтақанинг ҳали ёш давлатларида демократик жамият барпо этиш йўлида туғилаётган таҳдидлар хусусида хавотирда эканини яширмаган эди.

Ўзбекистон Президенти биринчилардан бўлиб жамоатчиликни Марказий Осиёга диний экстремизм солаётган хавф ҳақида огоҳлантирган эди. Бу таҳдид бошида Афғонистондаги диний ақидапарастлар ва уларнинг қатор ислом давлатларидаги гумашталари тургани эндиликда барчага яхши маълум. Уларнинг мақсади дунёнинг сиёсий харитасини ўзгартириб, ўз ҳукмронлигини кенг ёйишдан иборат экани сир эмас. Айнан Афғонистондаги кўплаб ҳарбий лагерлар вазиятни беқарорлаштириш ҳамда зўравонлик билан исломлаштириш ғояларини ёйиш мақсадида жаҳоннинг турли мамлакатларига юборилаётган жангарилар ва террорчиларга бошпана бўлмоқда.

Шу боис, деб ёзади журналист, диний экстремистларнинг Марказий Осиёда «исломий тартиб» ўрнатиш тўғрисидаги баёнотларига жиддий ёндашиш зарур. Минтақа давлатлари, жумладан Ўзбекистон ҳам, террорчиларнинг янги хуружига асло йўл қўймайди. Бу борада Россиянинг Ўзбекистонга ҳарбий ва сиёсий жиҳатдан ёрдам бериши табиий. Зеро, Марказий Осиё Россия учун диний экстремизмнинг ўз ҳудудига кириб келишига тўсиқ бўлиб турган ўзига хос истеҳкомдир.

Шу сабабли Ислом Каримовнинг бу галги ташрифи давомида президентлар Россиянинг Ўзбекистонга кўрсатадиган ҳарбий ёрдамини кенгайтиришга доир масалаларни муҳокама қилиши эҳтимолдан холи эмас. Ўзбекистон чеченистонлик жангарилар учун қурол-яроғ ташиш йўлларини тўсиб қўйиш борасида талай ишларни амалга оширмоқда. Россия раҳбарияти буни ниҳоятда қадрлайди.

Ўтган йили Владимир Путиннинг Тошкентга буюрган расмий ташрифи чоғида Ўзбекистон Президенти билан суҳбати белгиланган вақт доирасидан чиқиб кетиб, уч соат давом этган эди. Айтишларича, суҳбат давомида Ислом Каримов Россия Президентини кўк чой билан меҳмон қилган, Путин эса бундай чойни ниҳоятда хуш кўради. Демак, Россия раҳбари ҳам ўз навбатида Ўзбекистон Президентини ўзбеклар яхши кўрадиган кўк чой билан меҳмон қилса, ажаб эмас.

■ (ЎзА)

ФАРЗАНДЛАРИ СОҒЛОМ ЮРТ ҚУДРАТЛИДИР

Жиззах шаҳридаги ҳамда вилоятнинг Пахтакор, Бахмал, Ғаллаорол туманларидаги энг яхши спорт иншоотларида тўрт кундан бери давом этаётган «Баркамол авлод» спорт мусобақалари ниҳоясига етмоқда. Бундай

ўйинлар биринчи марта ўтказилаётгани билан ҳам қимматлидир. У спортнинг энг оммавий етти тури — баскетбол, волейбол, кураш, футбол, енгил атлетика, теннис ҳамда сузиш турлари бўйича энг сара жамоалар ва иқтидорли ёшларнинг номларини аниқлаб бермоқда.

Аввало вилоятда «Баркамол авлод» спорт ўйинларининг 2000 нафардан ортиқ қатнашчилари, мураббий ва меҳмонларни кутиб олиш, уларга зарур шарт-шароитлар яратиб бериш бўйича катта ишлар қилинганлигини таъкидламоқ керак. Шунинг учун ҳам Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ҳамда вилоятлар ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими тизимидаги ўқув муассасаларидан келган ёш спортчилар иштирокидаги баҳслар қизиқарли ўтаяпти. Беллашувларнинг натижаларига разм соладиган бўлсак, енгил атлетика бўйича Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти, сув спорти бўйича Тошкент шаҳри ва Навоий вилояти, футболда Қашқадарё ва жиззахлик, миллий курашда Андижон, Наманган ва сурхондарёлик ёш спортчиларнинг қўллари баланд келаётганлигини кўрасиз.

— Ядро улоқтириш бўйича бронза медали совриндори бўлдим, — дейди Хоразм вилоятидаги «Боғот» агроколлежи ўқувчиси Санобар Собирова қувонч билан. — Тошкентлик дугонам Елена Смолянова билан сирдарёлик тенгдошим Ирина Холмирзаевалар биринчи ва иккинчи ўринларни ўзаро бўлиб олишди.

100 метрга чалқанча сузиш бўйича олтин медаль соҳибаси бўлган тошкентлик Татьяна Калининани Жиззах шаҳридаги Олимпия заҳиралари спорт коллежи сув ҳавзасида учратдик.

— Ҳаммаси о,кей, — деди у бизнинг «кайфиятлар қалай», деган саволимизга жавобан бош бармоғини кўрсатиб. — Эътибор ва ғамхўрликдан бошимиз осмонда. Бунга жавобан бор кучимиз ва маҳоратимизни ишга солиб, спорт ўйинларида ажойиб натижаларга эришишга ҳаракат қилаяпмиз. Дўстлар орттираяпмиз. Бўш пайтларимизда Жиззахнинг эътиборли жойларини томоша қилиб, маданий ҳордиқ чиқараяпмиз. Бизга шундай озод ва обод Ватан берган, осойишталигимизни таъминлаган, соғлигимиз, эртанги кунимиз учун қайғураётган Президентимизга раҳмат деймиз.

Ҳа, Жиззахга келиб, «Баркамол авлод» спорт мусобақаларида иштирок этаётган ёшларнинг дилидаги, тилидаги калом бу! Чунки, Жиззахда ўтаётган ёшлик, гўзаллик, саломатлик ва спорт байрамининг ташаббускори, раҳномаси ким эканлигини ёшлар яхши билишади.

Бугун мусобақаларнинг бешинчи куни. Эртадан кейин спорт ўйинлари иштирокчилари уйларига қайтадилар. Ишонамизки, улар Жиззахдан бир олам таассуротлар, эзгу орзулар билан, кўпдан-кўп дўстлар орттирган ҳолда қайтадилар.

■ **Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**
Баҳром ТЎРАЕВ (ЎзА) олган суратлар

ИНСОН ҚАДРИ — МУҚАДДАС

Куни кеча Президент Ислом Каримовнинг «Қатағон қурбонларини ёд этиш кунини белгилаш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди. Фармонда таъкидланганидек, Ватанимиз ва халқимиз эркинлиги учун босқинчиларга қарши курашган, истибдод даврида озодлик сари интилган аждодларни, ёвуз кучлар тарихимизни, маданиятимизни йўқотишга ҳаракат қилганида элни маърифат ва ёруғлик сари ундаган, халқимизнинг ор-номуси, миллий анъаналаримиз ва урф-одатларимизни ҳимоя қилиш учун ҳаётини фидо этган, машаққатли курашларда қурбон бўлган инсонларни тарих, бугунги ва келажак авлод ҳеч қачон унутмайди.

Маълумки, мустабид тузум даврида маданият ва санъат арбоблари, зиёлилар билан бирга кўплаб оддий кишилар ҳам асоссиз равишда «халқ душмани»га чиқарилиб, қатағон қилинган, шу тариқа миллион-миллион одамларнинг уйи вайрон бўлиб, уларнинг ортида қолганлар эса хўрлик ва ситамларга гирифтор этилган эди.

3 май куни Тошкент шаҳрида Қатағон қурбонларини ёд этиш кунига тайёргарлик кўриш бўйича тузилган комиссия йиғилишида мана шу ҳақиқат яна бир карра таъкидланди.

Йиғилишни комиссия раиси, Тошкент шаҳар ҳокими К.Тўлаганов олиб борди.

Мустақил тараққиёт йўлида мураккаб ва машаққатли синовларни енгиб ўтиб, ўз мақсади сари қатъият билан бораётган халқимиз тарихий адолатни тиклаш, Ватанимизнинг минг-минглаб фидойи, матонатли фарзандлари хотирасини эслаш, уларнинг ноҳақ жабрланган авлодлари, шўро даврида рўшнолик кўрмай келган ўғил-қизлари иззат-ҳурматини жойига қўйиш, қатағон этилган ижодкорларнинг меросини ёшларимизнинг маънавий мулкига айлантириш борасида қатор хайрли ишларни амалга оширмоқда.

Президент Ислом Каримов ташаббуси билан ўтган йили пойтахтимизнинг Юнусобод мавзесида бунёд этилган «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуи ва шу номда хайрия жамғармасининг ташкил этилиши, Ўзбекистон Миллий университети билан боғлиқ тарихий адолатнинг тикланиши, қатағон қурбони бўлган ўнлаб зиёлиларнинг асарлари чоп этилиб, кенг ўрганилаётгани, номлари абадийлаштирилаётгани фикримизнинг далилидир.

Комиссия йиғилишида «Қатағон қурбонларини ёд этиш кунини белгилаш тўғрисида»ги Президент Фармони, унда белгиланган тадбирлар бу хайрли ишларни халқимизнинг анъаналарига мос равишда янги босқичга олиб чиқиши қайд этилди, белгиланган вазифаларни амалга ошириш бўйича аниқ тадбирлар режаси муҳокама қилинди.

Йиғилишда сўзга чиққанлар қатағон қурбонларини ёд этиш маросимини халқимизнинг энг яхши анъаналарига мос равишда, инсоннинг қадр-қиммати, инсонийлик нуқтаи назаридан ўтказишга алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлашди.

■ (ЎзА)

ИСТИҚЛОЛ, МАМЛАКАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ

Башорат соҳиби бўлмиш мунажжим бобокалонларимиз сирли само қатидан ер ва одамлар тақдиридаги уйғунликни излаганлар. Замонлар эврилиб, улар қалбини ёққан армонлар ушалди. Халқимиз бахтига тоне тонги отиб — ҳур ва озод Ўзбекистон юлдузи порлади. Ўн йилдирки, Зуҳродек янада ёрқин ва жозибалироқ нур сочмоқда.

Бежиз юлдузлардан сўз очмадик. Юксак қоялар салтанатида 200 кечакундуздан ошиқ вақт оралиғида тиниқ ва ғуборсиз осмон кўриниб турадиган бир макон бор. Бу — Қашқадарёнинг Майданак қишлоғи тепасидаги тоғ чўққилари. Гап айнан жаҳон мунажжимларини ҳайратга солган ва беназир узатгичлар ўрнатилган шу нуқта ҳақида эмас. Фақат, Амир Темурдек буюк зот таваллуд топган бу юртда кечаётган улкан ўзгаришлар мисолида мамлакатимиз қудрати ва истиқболига бир назар ташламоқчимиз, холос.

Воҳанинг кумуш камари — Қашқадарё вақт ўзанидан гоҳ тиниқ, гоҳ лойларга ботиб оқди. Мушкулкушод кунларда одамлар нажотни ёлғиз элпарвар ва жасорат соҳиби бўлган инсондан кутдилар. Ўша мураккаб ва зиддиятларга тўла даврда вилоятга раҳбарлик қилган Юртбошимиз ноҳақ жабрланганларни оқликка чиқариш, одамлар қалбида келажакка умид уйғотиш йўлида астойдил саъй-ҳаракат қилдилар. Фахр шуки, юртни обод қилиш, меҳр-оқибат, иқтидорни халққа бахшида этишдек эзгулик уруғи илк бор шу заминга сочилган эди. Оқсарой — тарихимизнинг азиз ва мўътабар ёдгорлиги. Амир Темурдек улуғ зотни камолга етказган табаррук Кеш миллатимиз тарихида, шу заминда яшаётган эл-улуснинг бошини қовуштиришда ўрни беқиёслиги билан ифтихорлидир.

Истиқлол йилларида бўй кўрсатган ниҳоллар мевага кирган. Бугун мамлакатимизнинг қудратини табиий газнинг 88 фоизини, нефтнинг 92 фоизини, энг кўп дон ва пахтани етиштириб бераётган, жаҳоний тараққиёт даражасидаги корхоналар бунёд этилаётган Қашқадарёсиз тасаввур этиб бўлмас. Бу маскан одамлари Йўлбошчисидан маслаҳату машварат олиб, порлоқ келажакка собит турибди. Ҳа, бу диёр танти, мард, меҳнаткаш инсонлар юрти.

Ислом КАРИМОВ:

«Қашқадарё вилояти юртимиз халқ хўжалигида тутган ўрни, унинг моддий ва маънавий салоҳияти, ориятли, мағрур ва танти инсонлари билан маълум ва машҳурдир.

Китоб тоғлари ва Яккабоғнинг сўлим боғларини, Деҳқонобод яйловларию Косон ва Нишоннинг дала-даштларини, Муборакнинг текисликларини кезган, Шаҳрисабз обидаларини томоша қилган одам бу ўлкага беихтиёр мафтун бўлиб қолади».

1999 йил, июль

ҚАДАМЖОЛАР БАЁНИДА

«ЭНДИ ЭСКИЧА ЯШАБ БЎЛМАЙДИ»

1993 ЙИЛ, ИЮНЬ

● *«Ислоҳотларни мулкка муносабатни ўзгартиришдан бошлаш керак. Ҳозир бир йилда илгариги ўн йилга тенг ўзгаришлар бўлаяпти».*

«ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ИККИНЧИ БОСҚИЧИ БОШЛАНДИ»

1995 ЙИЛ, НОЯБРЬ

● *«Қашқадарё мамлакатимизнинг ривожи ва тараққиёти асоси бўлмиш ёнилғини етказиб бериш маконидир».*

● *«Нефть ва газ заҳираларини излаб топиш ва қайта ишлаш корхоналари қурилишига алоҳида эътибор берилмоқда... Бироқ мазкур қурилишларни тезкорлик билан ниҳоясига етказишда маҳаллий ҳокимликнинг ҳиссаси ва таъсири унчалик сезилмаяпти».*

● *«Жойлардаги ҳокимлар бугунги замонавий талабларга жавоб бера олмаса, қабул қилинаётган қонун, фармон ва қарорларнинг маъно, негизини яхши англамаса, ташаббускорлик ҳиссиёти ва хусусиятларидан олис бўлиб, янгиликларга тўсиқ бўлиб турса, уларни Президентнинг вакиллари, халқнинг ваколатини олганлар деб, бу. эдими?»*

ҚАШҚАДАРЁ ЯНГИЛАНИШ ЙЎЛИДА

1996 ЙИЛ, ИЮНЬ

● *Юртбошимиз Қамаши туманидаги «Чим» жамоа хўжалигининг Кўчқор Раҳмонов бошлиқ бригадаси пахтакорлари билан суҳбатлашди. Пахтачилик муаммолари, навларни районлаштириш, меҳнатни муносиб баҳолаш, контрактация масаласи ҳақида фикр билдирди.*

● *«Амир Темур — нафақат Турон, Туркистон, Ўзбекистон заминининг, балки инсониятнинг энг буюк даҳоларидан биридир».*

«ТИКЛАНГАН ТАРИХИЙ ҲАҚИҚАТ ТАНТАНАСИ»

1996 ЙИЛ, ОКТЯБРЬ

● *«Бугун Темурбек бобомизнинг қадимий юртида, мард ва танти, ҳалол ва шижоатли, орияти баланд, иймони бутун инсонлар юртида туриб, аввалгамбор гўзал Шаҳрисабз аҳлига, бутун қашқадарёликларга эзгу тилакларимни изҳор этаман».*

● *«Шарқ оламида «Илму адаб қуббаси» дея эътироф этилган Шаҳрисабз ҳазрат Амир Темур учун юксак парвоз манзилидир».*

● *«Оқсарой пештоқида темурона нақш: «Кимки бизнинг шоншуҳратимизни кўрмоқчи бўлса, биз барпо этган иморатларга назар солсин».*

НАВБАТДАН ТАШҚАРИ СЕССИЯДА

1998 ЙИЛ, ИЮНЬ

● *Юртбошимиз Шўртангазкимё мажмуи қурилишини кўздан кечирди. Тавсиялар бериб, қурилажак сув иншооти сиғимини 16 млн. куб.м.га етказиб, сувдан нафақат саноат эҳтиёжи, балки экин майдонларини суғориш ҳам зарурлигини уқтирди.*

«ИНТИЛИШ, ИЗЛАНИШ, ТАШАББУС — ТАРАҚҚИЁТИМИЗ ОМИЛИ»

1999 ЙИЛ, ИЮНЬ

● *Мамлакатимиз раҳбари «Шўртангазкимё» мажмуи қурилиши билан танишди. Бу корхона АҚШ «АВВ» компанияси билан ҳамкорликда тикланмоқда. Корхонанинг ишчилар шаҳарчасини кўздан кечирди. Бу ерда ҳар бири юз ўринли учта ётоқхона, 15 та турар-жой биноси бор. Коттежлар, ошхона, новвойхона, ўқув маркази ва меҳмонхона Юртбошимиз эътирофига лойиқ бўлди.*

СЕССИЯДА АЙТИЛГАН СЎЗ

2000 ЙИЛ, ИЮЛЬ

● *Таллимаржон ГРЭСи, Муборак газни қайта ишлаш заводи, Кўкдумалоқ нефть кони асосий ёнилғи энергетика базалари.*

САЙЛОВЧИЛАР ДАВРАСИДА

2000 ЙИЛ, ДЕКАБРЬ

● *Юртбошимиз сайловчилар билан учрашувда кейинги йилларда 60 га яқин саноат корхонаси барпо этилгани, «Шўртангазкимё» мажмуига 1 миллиард 300 минг АҚШ доллари сарфлангани, 505 минг тонна ғалла ундирилиб, режа уддаланганини қайд этди.*

ОБОДОНЧИЛИК

ТОҒЛАР БАҒРИ ХАЗИНА

Юксак тоғлар сарҳадида она сайёрамизнинг ёши-ю миллионлаб йилларга оид ботиний синоатларидан ҳикоя қилувчи, жаҳоний эътироф олган геологик қўриқхона бор. Атрофдаги Мотмон, Жовуз, Аспидухтар, Деновбола каби қишлоқлар аҳолисининг ўтмишдаги турмуши қийин кечган.

Ана шу қишлоқлардаги машаққатли ҳаётни Юртбошимиз ўзлари бориб кўрганлар. Тўқсон еттинчи йилнинг июлида Китобга келганларида, мен Раззоқ Шаймонов номли хўжалик раиси эдим. Биринчи галда одамларнинг турмуш шароитини сўрадилар. Мен юқори туманларда сабзавот, мева етиштириш қулайлиги, боғларни кўпайтириш, қайта ишлаш корхоналари ҳақида гапириб бердим. Негаки, бир вақтлар Китоб туманининг ўзи 40 минг тонна сабзавот, 30 минг тоннадан ошиқ узум ва мева етиштириб берган. Бугун бундай маҳсулотларни қайта ишлаб, четга сотиш, мамлакат хазинасини тўлдириш истиқболлари очилаётир.

Дарҳақиқат, тоғ ва тоғолди туманларида истиқомат қилаётган аҳоли кўп нарсадан бебаҳра эди. Истиқлол уларнинг орзуларини рўёбга чиқарди. Тўқсон олтинчи йили Вазирлар Маҳкамасининг Қашқадарё вилоятининг айрим тоғли қишлоқларини электрлаштириш ҳақидаги қарори чиқди. Натижада Деҳқонобод, Қамаши, Яккабоғ, Шаҳрисабз, Китоб туманларидаги ўнлаб қишлоқлар нурафшон бўлди. Телекўрсатувларни узатиш мосламалари, мактаблар, шифохоналар қурилмоқда. Китоб туманидаги денгиз сатҳидан 1,5-2 минг метр баландликда жойлашган Шут қишлоғида мустақиллик байрами арафасида электр чироқлари порлади.

■ **Раззоқ ТЎРАЕВ,**
агроном

ИШ КЎЗИНИ БИЛГАНЛАР

МЕҲНАТДАН КЕЛСА БОЙЛИК...

Мамлакатимиз раҳбари ўтган йили вилоят кенгаши сессиясида иқтисодни кўтаришга, юқори туманларда боғдорчиликни ривожлантиришга эътиборни қаратгандилар. Масалан, Қарши, Касби, Нишон, Муборак, Косон, Баҳористон, Усмон Юсупов туманларида пахта ва ғалла етиштириш имконияти катта. Ғузор, Деҳқонобод, Қамаши, Чироқчи туманларида сув етишмайди, лалмикор ерларда деҳқончилик яхши ривожланган. Китоб, Шаҳрисабз, Яккабоғ, қисман Чироқчи туманида боғдорчилик, сабзавот етиштириш тажрибаси шаклланган. Олайлик, ўтган йили «Шаҳрисабзконсерва» ҳиссадорлик жамияти 20-22 минг тонна атрофида помидорни қайта ишлади. Ваҳоланки, корхонада 80 минг тоннагача сабзавотни қайта ишлаш қуввати мавжуд. Шу жойда хорижий технология асосида маҳсулот жаҳон бозорига чиқарилаяпти. Шароб-ароқ корхонаси катта миқдорда узумни қайта ишлаб, юқори навли маҳсулот чиқариши мумкин. Ўтган йили «Мевасабзавот» ҳудудий бирлашмаси хўжаликларида ўртача узум ҳосилдорлиги 41 центнерни ташкил этган бўлса, «Китоб» агрофирмаси боғбонлари 40 центнерга етказишди. Шу тумандаги Каромат Рустамова номли ширкат хўжалигида узум, мева етиштирилиб, 60 миллион сўмлик соф фойда олинди ва бундан ҳар йили иқтидорли ёшларни ўқитиш учун тузилган шартномаларга 5-6 миллион сўм маблағ ўтказишга имкон туғилаяпти.

...ВАТАН ИЧРА АЗИЗ БИР ВАТАН

Бу — эл-юртини тенгсиз меҳр билан сева олувчи инсон қалбининг садоси: «Умримнинг бир қисми шу ерда ўтгани, озми-кўпми меҳнатим сингани учунми, Қашқадарёни фарзандлик меҳри билан яхши кўраман».

— Биз ҳам у кишига ишондик ва меҳр қўйдик, — дейди қаршилик меҳнат фахрийси Файзулло Набиев. — Ўзим болалар уйида улғайиб, ҳаётнинг барча қийинчиликларини бошимдан ўтказганим туфайли, «пахта иши» деб ноҳақ қама-қамаларнинг аҳволини қалбда ҳис қилардим. Одамлар нажоткорни кутишарди.

Юртбошимиз вилоят раҳбарлигига келгач, дастлаб одамлар қалбида сўна бошлаган ишончни тикладилар, руҳини кўтардилар. Жабрдийдалар нажот топа бошлади. Вилоят қишлоқ хўжалиги, саноатини ривожлантиришга киришилди. Мен вилоят коммунал хўжалиги бошқармаси раҳбарининг ўринбосари эдим, барча ободончилик ишларини ўз кўзим билан кўрганман. У киши эрталаб Қарши шаҳрини айланар эдилар, туманларга бориб, катта қурилишлар бошида турардилар. Узоққа бормайлик. Қаршида чойхоналар, янги бозор қурилди. 5 гектар жойда боғ яратишга киришилди.

Хотира фақат инсонга хос буюк неъмат. Ўтмишсиз эса келажак йўқ. Буюк ишларни ёдда сақлаш ва давом эттириш лозим. Ҳақиқат шундаки, меҳнат фахрийси тилга олган йиллар ўзига хос уйғониш ва бурилиш даври бўлган эди. Жасорат ва эл-юртга фидокорлик муз қотган юракларга қайта жон бахш этди. Юртим, элим деганнинг эса умри обод бўлур. Бутун вилоятда улкан ободончилик ишлари бошланди. Қарши, Чиял, Китоб, Шаҳрисабз бозорлари қурила бошлади. Истиқлол йилларида амалга ошган ишлар, бунёдкорликлар яна ҳам бемисл. Зилзиладан зарар кўрган Қамаши туманида бир йил ичида бир неча мактаб, 900 ўринли коллеж фойдаланишга топширилди, Касбида ҳам, Муборакда ҳам. Биргина газчилар шаҳарчаси бўлган Муборакни обод қилиш учун йилига 25-30 миллиард сўм маблағ сарфланмоқда. Яна юзлаб корхоналар, илм-маърифат масканларини тиклашга киришилган.

Ўтмиш ва бугун, суръат ва натижа вилоятнинг саноат, фан-маданияти тараққиётини белгиловчи маркази — Қарши мисолида юзма-юз кела бошлайди. Асрлар юкига бардош бериб, гоҳ Наутака, гоҳ Насаф, гоҳ Қарши бўлиб қайта қад кўтарган шаҳарнинг ёши 2500 йилдан кам эмаслиги исботини топмоқда. Катта ободончиликлар рақамларда юз кўрсатиб, амалий ифода этаверди. Чунончи, мавжуд 62 та маҳалладан 28 таси ўз гузарига эга. Кўркам, кўп қулайликларни ичига олган бошқа гузарларни қуришга ҳам жадал киришилган. Ҳозир эса тадбиркорлар қураётган чойхонаю ошхоналар дилтортар бўлиб турибди.

«Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури» ва «Таълим тўғрисида»ги Қонун босқичма-босқич амалга ошмоқда. Мактабларда 43 минг нафар бола таълим олаяпти. Қарши давлат университети, Муҳандислик иқтисодиёти институти, 2 та билим юрти, 7 та коллеж, 2 та академик лицей, 4 та касб-ҳунар мактаби ёшларни келажакка чорламоқда. Яна бир янгилик: мактаблар учун парта ва бошқа мебелларнинг катта қисми шаҳарда тайёрланяпти. Қарши давлат университетидаги «Халқаро алоқалар» марказини хорижий элларда ҳам билишади. Маданий ҳаётдаги янгиликлар қувончли. «Мулоқот», «Эски мачит» театр студиялари Германиянинг «Ан-Дер Рур» театри ва бошқа чет эл санъаткорлари билан ҳамкорликда санъатимизга янги «Ипак йўли» — халқаро театр мулоқотлари йўналишини олиб кирди.

Юртбошимиз назари тушиб, меҳр қўйган шаҳар бўйлаб кезамиз. Ютуқлар ўзимизники. Мамлакатимиз раҳбари бир гал ичимлик суви билан таъминлашни яхшилашни айтган бўлсалар, ўтган йили саратон ниҳоятда тафтли бўладиган шаҳарда дарахтлар, фавваларни кўпайтиришга эътиборни қаратган эдилар. Бугун камчиликлар тузатилиб, янги бош лойиҳа яратилмоқда. Келгусида эса халқаро «Ипак йўли маркази» ҳам шу шаҳарда қад ростлайди.

БУЮКЛАР СУВ

ЁКИ ЯШИЛ

Ҳисор тизма тоғларининг қор ва муз қоплаган чўққиларидан воҳага сув таралади. Кўпчиликка манзур бўлиб қолган «ғелони» картошкаси-ю сархил мевалар макони — Ғелон қишлоғи ҳам шу ерда. Қуйироқда эса деҳқончиликда ном чиқарган Ҳисорак қишлоғи жойлашган. Бу қишлоқда бригада етакчиси, кўпчилик иззат қиладиган Абдураҳмон Файзиддинов деган йигит яшайди. Ўғлон «Юртбошимиз Ғелон ва бизнинг қишлоғимизга келганлар, булоқлардан ҳовучлаб-ҳовучлаб сув ичганлар», деб фахрланиб юради...

Темур бобомиз «деҳқонларга уруғ бердирдим, қўллаб турдим», дея ёзиб қолдирганлар. Юртбошимиз вилоятга раҳбарлик қилганларида барча оғир шароитдаги қишлоқларни бориб кўрганлар. Айниқса, Шаҳрисабз шаҳридаги ўлмас меъморий обидаларни таъмирлаш, бозорларни обод қилиш ишларига ўзгача масъулият билан қарагандилар. Истиқлол йиллари бунда ўзи туғилиб ўсган юртида йўқлаш, ёд этишга юрак дов бермасди. Минг бор шукрки, истиқлол ўлмас қадриятларни, юрт-улус озодлигига бутун умрини бахшида қилган зотни халқимизга қайтариб берди. Миллат ғурури дай қутлуғ, кенг кўламла ишлар давом эттирилди. Соҳибқирон туғилган, камолга етган, бутун умр талпиниб яшаган Шаҳрисабздаги барча хайрли ишлар бошида раҳбаримизнинг ўзлари турдилар.

Тарих маърифат сабоғидир. Соҳибқирон бобомиз бошлаган, набираси Мирзо Улуғбек қуриб битказган меъморчилик мўъжизаси — Кўкгумбаз жоме масжиди ўттизинчи йилларда қамоқхона, кейин қандайдир омборга айлантирилганди. Миллат руҳини синдириш учун атай шундай қабоҳатга қўл уришган. Бедодликни қаранки, улуғ зот ошиб, ўгити-ю тузуклари ифтихорга айланди.

Буюк зотлар халқлар, миллатлар тақдирида энг мушкулкушод даврларда дунёга келадилар, дейишади. Биз буни Соҳибқирон бобомизнинг Шаҳрисабзда ўтган 660 йиллик қутлуғ тўйи кунларида ҳам англагандек бўлдик. Шаҳарга «Амир Темур» ордени топширилиши ва Соҳибқирон ҳайкали очилишига бағишланган маросимда Президентимиз айтган сўзлар юракларга абадий муҳрланиб қолган. «Катта ишонч билан шуни таъкидлашим керакки, бу юртнинг фарзандлари, Темурбекнинг набиралари ўз

ДЕҲҚОН МЕҲРИ

ЕРНИ АВАЙЛАГАН ҚАМ БЎЛМАС

Воҳага тангри иноят қилгани рост: 600 минг тоннадан ошириб дон, 450-500 минг тоннадан ошириб пахта етиштириш имконияти бор. Бироқ ислоҳотлар амалга оширилаётган ўн йил орасидаги натижалар таҳлил қилинса, дам кўтарилиш, дам пасайиш кўзга ташланади. Хусусан, кейинги уч йилда пахта, дон етиштириш ва сотиш режаларини бажаришда узилишлар бор. Мулк шакли, меҳнатга муносабат ўзгарганига қарамай, нега бундай бўлаяпти?

— Юртбошимизнинг вилоят деҳқонлари билан тез-тез учрашаётганлари, кенгашаётганларининг боиси ҳам шунда, — дейди Яккабоғ туманидаги Карим Мойлиев номли хўжалик раиси Бердимурод Тўхтаев. — Мен у киши билан вилоятда ишлаган кезларида ҳам кўп учрашганман, тўқсон тўққизинчи йилда келганларида шароитимиз, қийинчиликларни сўрадилар. Ғалла уруғи етиштирилаётган далаларни бориб кўрдилар.

Бизга Қамаши тумани МТП механизатори Жўра Маллаев ўзи бошқараётган «Кейс» комбайнига мамлакатимиз раҳбари миниб, ўримда иштирок этганлари, янги техниканинг афзалликлари билан қизиққанларини гапириб берди. Дарҳақиқат, техникасиз деҳқон ночор. Чунки хўжаликлардаги тракторларнинг 80-85 фоизи эскирган. Яхшиямки, МТПлар тузилган экан. Масалан, ўтган йили 182 та «Кейс» комбайнининг ҳар бири билан ўртача 620 гектардаги дон ўриб-йиғиб олинди. Жами ҳайдалган 434 минг гектар ернинг 302 минг гектари 251 та «Магнум» тракторлари ҳиссаси эди. Бу йил эса пахтанинг 100 минг тоннасини машиналар ёрдамида териб олишмоқчи. Мана, нима учун раҳбаримиз хориждан сотиб олинган қимматбаҳо техникаларнинг имкониятини далаларга бориб кўраяптилар, деҳқонлар билан кенгашаяптилар!

Эски ақидалар бартараф этилди. Иш бошига янгича фикрлайдиганлар келишди. Жами 131 минг гектар суғориладиган, 60 минг гектар лалми майдонларга дон уруғи соз тупроққа ташлаб, ундириб олинди. 33 минг тонна уруғлик дон етиштириш мақсад қилиб қўйилди. Илк бор 5 минг гектар ерга чигит плёнкалар остига экилди.

Энг муҳими, сув соҳасидаги ислоҳотдир. Ўтган йили 15 минг гектар суғориладиган, 74 минг гектар лалмикор ғалла ниҳоллари сувсизликдан қовжираб қолди. Минг-минглаб гектардаги чигит униб чиқмади. Шунинг учун ҳам ҳар томчи сувни ҳисобга олиш йўлга қўйилди. Жами 13475 та сувўлчагичлар ўрнатилди. Сув иншоотлари тозаланаяпти, мелиорацияга эътибор кучайтирилмоқда. Тарихий воқеа юз берди: янги каналдан Амударё сувлари Ғузор туманининг сувга ташна далаларига оқа бошлади. Касби туманининг Ҳамза Хўжақулов номли хўжалиги ҳосилоти Аваз Раҳимов шундай дейди:

Мен Юртбошимиз даламизга келганларида ҳам айтганман. Ерни асраб-авайлаган кам бўлмайди. Чунки, ер ягона насибамиздир.

Вилоят ҳокимлиги биноси

Таллимаржон ГРЭСи

Қарши маданият коллежи

ИСЛОҲОТ, ИСТИҚБОЛ

10 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНАДИ



САНГТАРОШЛАР САЙҚАЛИ

Сурат ҳаётнинг оний лаҳзаси. Шундай экан ушбу суратдаги манзара ҳам тарихийдир. Худди саҳифаси очилган китобга ўхшайди. У беқасамдек тусланувчи мармар воҳа бойликларидан бири. Илгари мармар харсанглари портлатиб қўпорилган, натижада унинг кўп қисми парчаланиб кетган. «Қашқадарёмармар» акциядорлик жамияти Италиянинг «Рауворой Лимитед» фирмаси билан тузилган шартномага кўра, 2179720 АҚШ долларига тошни қайта ишлаш ва харсанг қазиб чиқиб ускуналарини келтириб, маҳсулот тайёрлай бошлади. Замонавий ускуналар йилига 60 минг квадрат метр мармар тахта ва 3 минг кубометр мармар харсанг тайёрлаш қувватига эга. Энди тош конларида портлатиш ўрнига хорижий олмос арралар ишлатилмоқдаки, бу билан қимматбаҳо хомашё исрофи кескин камайди. Суратда корхонанинг «Томчи ота» тош конида олмос арралар бевосита тоғ тошини нобуд қилмай кесиб бераётгани акс эттирилган. Кондан олинаётган харсанглардан корхонанинг Китобдаги цехида мармар тахталар тайёрланади. Бу манзара чиндан тош китобни эслатади. Демак, таъбир жоиз бўлса, юртимизда мармар қазиб олиш тарихида саҳифа очилди.



ИЧГАН ДАРЁ

ШАҲАР ЧИРОЙИ

қалбларида улуғ бобосига хос гўзал фазилатларни асрабавайлаб, бугунги ҳаётимизда ҳам намоён қилмоқдалар...»

Мустақиллик хиёбонида улуғ зотнинг ҳайкали... Гўёки Соҳибқирон бобомиз ўзи қурдирган маҳобатли Оқсарой...дан чиқиб келаётгандай... Агар таъбир жоиз бўлса, истиқлол халқимиз учун зафар дарвозаси бўлди. Бу — Темурбек авлодлари Шаҳрисабзда амалга ошираётган улкан ишларда ўз ифодасини топмоқда. Туман иқлими боғдорчилик, сабзавот етиштиришга қулай. Ўтган йили пахта режага яқин, давлатга ғалла сотиш эса эркин эпланди. Шаҳрисабз саноат шаҳрига айланиб бормоқда. Консерва, пиллакашлик, шароб-ароқ корхоналари маҳсулотларига талаб катта. Хорижий сармоя асосида 7 та қўшма корхона вужудга келган. «Мевалар камалаги» Ўзбекистон — Британия, «Шаҳриинтернейшнл» Ўзбекистон — Америка қўшма корхоналари оёққа турган. Буюк Британия билан ҳамкорликда пиллани қайта ишлаш корхонасига асос солинмоқда. Жаҳон бозорига йилига 4800 тонна юқори сифатли ип-калава ва трикотаж чиқара оладиган «Оқсарой тўқимачи» ЛТД Ўзбек-Турк-Япон қўшма корхонаси ҳадемай маҳсулот беради.

Шарқ оламида «Илму адаб қуббаси» дея эътироф этилган яшил шаҳарда бугун маориф ва маданият соҳасидаги ютуқлар ҳақида бирикки мисол. А. Навоий номидаги 35-ўрта мактаб ЮНЕСКОнинг «Бирлашган мактаблар» лойиҳаси асосида ишламоқда. Бунақа илм ўчоқлари анчагина. Яқинда бу халқаро ташкилот жаҳондаги 691 та ноёб маданий ва табиий ёдгорликлар қатори Шаҳрисабз шаҳри ҳам Жаҳон мероси рўйхатига киритилганлигини эълон қилди. Бу ҳам бежиз эмас. Кейинги йилларда олиб борилган илмий изланишлар ва жаҳоннинг бир қанча давлатларидан келган олимлар иштирокидаги анжуманларда шаҳарнинг ёши 2700 йилдан кам эмаслиги айтилди. Бу қадим Кешнинг жаҳон маданияти бешикларидан бири эканлигига яна бир далил. Яна бир хушхабар: шаҳрисабзлик 6-синф ўқувчиси, ёш шоира Шаҳноза Холмаҳматова бу йил Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлди. Буюклар сув ичган Қашқадарёда юртимиз номини дунёга танитадиган баркамол авлод улғаймоқда.

БАРКАМОЛ АВЛОД

«НЕКСИЯ» ВА ОТ МИНГАН ШУНҚОРЛАР

Спорт — ҳайрат ва маҳорат кўриги. «Насаф» футбол жамоасининг бултур чемпионатда учинчи ўринни эгаллагани шундай фикрни уйғотади. Бу йилги чемпионатнинг очилиши эса байрамга айланиб кетди. Шу куни вилоят ҳокими Бахтиёр Ҳамидов моҳир футболчи Баҳром Ҳайдаровга «Нексия» машинаси калитини топширди, шунингдек, каратэ бўйича жаҳон чемпиони Нодир Хўжаевга от миндирди. Футболчилар бу йилги беллашувларни ҳам ўзгача шиддат ва жозиба билан ўтказмоқдалар. Бу омадми ёки тасодифми?

— Спортда тасодиф бўлмайди, — дейди жамоа ўйинчиси Асрор Алиқулов. — Тўқсон еттинчи йилда Юртбошимизнинг жамоамиз аъзолари билан учрашувини асло унутмаймиз. Бу ғамхўрлик ва эътибор ғалабага руҳлантирмоқда.

Ҳозир «Насаф» футбол клубининг 50 аъзоси барча имкониятлардан баҳраманд. 50 дан зиёд ҳомий ташкилот катта маблағ ажратаяпти. Қаршидаги замонавий теннис кортида халқаро мусобақалар ўтказилмоқда.

Чироқчида эса мамлакатимиз раҳбари назарига тушган, ўн ёшида шахмат бўйича Ўзбекистон чемпиони бўлган, халқаро мусобақаларда қатнашаётган Сарвиноз Эргашева яшаётган қишлоқ бор. Оддий қишлоқ, мактаб ҳам эски. Бироқ одамлар уйда ҳам, гурунгларда ҳам шахмат ўйнаб, ўзаро баҳслашмоқдалар.

САМОГА ЮЗЛАНГАН НИГОҲ

Тоғлар хазинаси тенгсиз. Илмфан соҳасида ҳам: Китобдаги халқаро расадхона узоқ йиллар жаҳон фанига ҳадди-ҳисоб йўллаб келди. Республикамиз Президентининг 1993 йил 11 февралдаги Фармони билан шу жойдаги Баландтоғ обсерваториялари мамлакатимиз тасарруфига ўтказилди. Натижада Ўзбекистон Фанлар академиясининг Улуғбек номидаги Астрономия институти таркибида Баландтоғ обсерваториялари Китоб мажмуи ташкил топди. Майданакдаги 200 кунлаб осмон беғубор кўриниб турадиган жойга ўрнатилган улкан телескоплар мунажжимларимиз ва улар билан ҳамкорлик қилаётган хорижий алломалар ихтиёрида. Демак, Ўзбекистонимиз само бағридаги бир юлдуз мисол чарақлайверади.

РАҚАМЛАРДА ВОҲА НАФАСИ

- *Вилоят маркази — Қаршидаги мавжуд 46 корхонада 100 хилдан ошиқ маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Бултур 17 та қўшма корхонада 2 миллиард 278 миллион сўмдан зиёд маҳсулот тайёрланди.*
- *«Қаршиёз» Ўзбекистон — Сингапур, «Ўзводуралтрактсервис» Ўзбекистон — Россия, «Қашқадарётелеком» Ўзбекистон — Индонезия каби йирик қўшма корхоналар бор.*
- *Воҳа ҳудуди айрим мамлакатлардан йирикроқ — 28,7 минг квадрат километр майдонни эгаллайди. Аҳолиси — 2215,8 минг кишидан иборат. Бош шаҳри Қаршида 211,5 минг киши истиқомат қилмоқда.*
- *Меҳнатга лаёқатлилар 999,5 минг, шундан 725 минг нафари халқ хўжалигида банд. Аҳоли йилига ўртача 22 минг кишига кўпаймоқда. Янгидан 26 минг иш ўринлари яратилган бўлиб, шундан 23,6 минг ўрин қишлоқ жойлардадир.*
- *Турли йўналишларда фаолият кўрсатаётган 1600 кичик корхона ўтган йили 6,6 миллиард сўмлик, 11 мингтадан ошиқ мини фирмалар 7 миллиард сўмликдан ошиқ маҳсулот тайёрлади. Кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг ишлаб чиқаришдаги салмоғи 13,2 фоизни ташкил этмоқда. Бу кўрсаткични 25 фоизга етказиш режалаштирилган.*
- *Чет эл сармояси жалб этилган корхоналар 34 та бўлиб, шундан 26 таси фаолият кўрсатяпти. Уларда ишлаб чиқарилган маҳсулот ва кўрсатилган хизмат ўтган йили 3,9 миллиард сўмни ташкил этди. Бу йилда яна 9 та корхонага хориж инвестициясини жалб этиш мўлжалланмоқда.*
- *«Шўртангазкимё» мажмуида йилига 125 минг тонна полиэтилен, 142 минг тонна суюлтирилган газ асосий мўлжал қилиб олинган.*
- *«Шаҳрисабз», «Кристал» корхоналари, «Шароб-консерва», «Шароб-ароқ» заводлари ишлаб чиқариш ҳажмини йил сайин орттирмоқда.*
- *«Каштекс» очиқ турдаги акциядорлик жамияти маҳсулотлари сифатини яхшилаб, жаҳон андозаларига мослаш йўлида саъй-ҳаракат қилмоқда.*
- *Дунёда ягона ҳисобланган 6 та насос станцияси секундига 240 куб метр сувни Амударёдан 132 метрга кўтариб, Таллимаржон сув омборига қуяди. Яна 200 минг гектар ер ўзлаштирилиши кўзда тутилган.*
- *Қамашидаги «Чим» ширкат хўжалигида меҳнат қилаётган ғаллакор пудратчи Абдувалиевлар оиласи «Офелия» навидан 42 центнергача ҳосил кўтарган.*

РАИС НИМА ДЕЙДИ?

ҚИШЛОҚҚА САНОАТ КИРСА...

Ёшим анчага борди. Аммо ғайрат оти чорлагани-чорлаган. Шу боисми, йўлбошчимиз бултур вилоят кенгаши сессиясида мени минбарга таклиф қилиб, қишлоқ хўжалигида вужудга келган оғир аҳвол ҳақида сўраганларида дилимдагини айтиб қўяқолдим.

Сир эмас, сув танқислиги уч йилдан буён қийнаяпти. Унумдорлигини йўқотаётган ер майдонлари бор. Шунга қарамай, миришкорлари бор кўпгина хўжалик ва фермерлар эришаётган ютуқлар чакки эмас. Ҳаммаси тадбиркорлигу ишнинг кўзини билишда. Масалан, ўтган йилгидек мураккаб шароитда ҳам хўжалигимизда 2500 гектар ердаги пахта ҳосилдорлиги 31 центнердан, 900 гектар ғаллазор ҳосилдорлиги 32 центнердан ошди. Бу чўлдан олинган ҳосил. Шартнома мажбуриятларини ошириб адо этдик. Жами 810 бош қорамолимиз бор. Чорвачилик кони фойда. Шу ҳисобдан 521 тонна сут етиштирдик. Соф фойдамиз 106 миллион сўмга етди. Касалхона, мактаблар қураяпмиз.



Исроил давлатининг «Эйнап» компанияси ажратган 285 минг АҚШ долларига тенг сармоя ҳисобига корхона қураётганимизни айтган эдим. Швейцария ускуналари ўрнатилган заводимизда ҳозир пишлоқ, йогурт, творог сингари 11 хил маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Келгусида мевани қайта ишлаб берадиган корхона қурмоқчимиз. Қишлоққа саноат кирса оёққа туради.

■ **Муродулла САИДОВ,**
У. Юсупов туманидаги «Жейнов» кооператив-ширкат хўжалиги раиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими

ҚАШҚАДАРЁ

Тоғларининг бошида
Оппоқ-оппоқ қори бор.
Одамлари меҳнаткаш,
Ҳам жасур, ҳам ори бор.

Баҳорлари фусункор,
Қирларда лоласи кўп.
Ҳар хонадон бозордир,
Бағрида боласи кўп.

Бундай мўъжиза ўлка —
Аждодларим макони.
Шундай ўлка бор бўлсин,
Мангу тинч бўлсин осмони.

■ **Шаҳноза ХОЛМАҲМАТОВА,**
Шаҳрисабздаги А. Навоий номли 102-мактабнинг 6-синф ўқувчиси, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори

ИМКОНИЯТЛАР — ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

МАМЛАКАТНИНГ ҚУДРАТЛИ ТАЯНЧИ

Бу даштларга баҳорда келинг. Бағрида улкан дафиналар жо сахро ёзда лов-лов ёнади. Бу жойларда оловқалб, оловтан одамлар ҳиммат қамарини белга боғлашган. Шулардан бири — Мурод Чўлиевдир. У нефть-газ соҳаси муҳандиси, ҳозир туман ҳокимининг муовини.

— Муборак шаҳрининг ўзида ўзбек, туркман, тожик, рус, немис, турк, татар, яҳудий, араб ва бошқа 54 миллатга мансуб кишилар аҳил яшашмоқда. Мамлакатимиз қудрати — Муборак газни қайта ишлаш корхонаси эришаётган ютуқлар ўша кишилар туфайли. Мустақиллик йилларида завод 300 минг тонна олтингугурт тайёрлаш қувватига етди. 1993 йилда завод директори ўринбосари эдим. Март ойида Президентимиз Россиянинг ўша пайтдаги бош вазири В. Черномирдин ҳамроҳлигида корхонамизга ташриф буюрдилар. Раҳбаримиз ишчилар билан суҳбатлашиб, мустақиллик туфайли нефть-газ тизимини ривожлантириш истиқболлари очилаётгани ҳақида гапирдилар. Бу кун ҳеч эсимиздан чиқмайди, — дейди у.

— Газ ва нефтимизга эга чиқмасак, чинакам мустақил бўлолмасдик, — дейди суҳбатга қўшилиб газ конлари бошқармаси оператори, Ўзбекистон Қаҳрамони Бўрон Рўзиев. — Ўчоғимиз олови, уйимизнинг нури, юртимизнинг қудрати шундан-да!

Содда, аммо ҳақ гап. Шўро даврида ўз бойлигимиз ўзимизга насиб этмасди. Ёнилғи-энергетика борасида бировларга қарам бўлиб, косамиз оқармади. Энди бу муаммо бартараф этилди — жаҳоннинг энг тараққий этган давлатларига тенглаша оладиган тизим яратилди. Мамлакат газининг 88 фоизини, нефтининг 92 фоизини етиштириб бераётган Қашқадарё саховат масканига айланди. Муборак заводи, йилига 20 миллиард кубометр газни ишлаб-тозалаб бераётган «Шўртангаз» конлари бошқармасида энг замонавий технологиялар кенг қўлланилмоқда. Юқори қувватли Кўкдумалоқ компрессор станциясининг ниҳоятда қисқа муддатда ишга туширилганига нима дейсиз?

Бу юртда орзу — мўъжиза, меҳнат — мўъжиза. Қурилишга АҚШ, Германия, Япония, Италия ва бошқа мамлакатларнинг нуфузли компаниялари жалб этилган, 650 миллион АҚШ доллари миқдорида сармоя сарфлаш мўлжалланган «Шўртангазкимё» мажмуи мамлакат иқтисодиёти ва халқ хўжалигининг яна бир таянчи бўлажак. Полиэтилендан тайёрланадиган маҳсулотлар қурилиш, қишлоқ хўжалиги, машинасозлик қўйингки, кўп соҳалар учун зарур ва беназир. Масалан, газ ва сув учун қувурлар. Дарвоқе, юртимизда илк бор полиэтилен газ қувурлари Касби туманида ишлатилди. Қаршидаги «Термопласт» корхонаси хорижий ҳамкорлар билан ана шундай қувурларни тайёрлашга мослашмоқда.

— Президентимиз билан икки бор учрашдик, — дейди «Шўртангазкимё» мажмуи қурилиши вакиллиги бош муҳандиси Олег Сулаймонов, — у киши қурувчиларга собиқ иттифоқ даврида бу корхонани қуриш қаттиқ қаршиликка дуч келганини айтгандилар. Жаҳонда технологияси энг мукаммал ҳисобланадиган беқиёс корхона орзу-режалар асосида бунёд этилмоқда. Уни бутун мамлакатдан келган қурувчилар тиклашмоқда. 2,5 минг нафарига хорижий мутахассис ишлади. Цехлар, ёрдамчи иншоотлар тўла тикланган. Бу йил 281 та объектда иш ниҳоясига етади. Август ойида дастлабки маҳсулот чиқа бошлайди...

Ҳозир корхона қарор топган Ғузор ва Нишон туманлари кенгликларини таниб бўлмайди. Яна 10 минг гектар жойда ўрмонлар, боғлар яратиляпти. Барча қулайликларни ичига олган, 2,5 минг кишига мўлжалланган «Нуристон» шаҳарчаси қад кўтарган. Қурувчиларнинг анча қисми ўз қўллари билан бунёд этган корхонада ишлаб, шаҳарчада яшайдилар, илм оладилар, фарзандларини ўстирадилар. Шулардан бири Ҳамдам Каримовнинг нияти шундай:

— Энди йигирма учга кирдим. Тошкентдаги «Интерконтинентал» меҳмонхонаси қурилишида қатнашгандим, бу корхонани тиклаш бахтига ҳам мушарраф бўлдим. Президентимизга юрт учун ишлаш бахт эканлигини айтдим. Тўйимизга раҳбаримиз тўёна юборибдилар. Бошимиз осмонга етди. Қиз кўриб, исмини Малика қўйдик. Институтда сиртдан ўқияпман. Яна нима дейин?!

18 ЁШДА — 3500000 СЎМ

Саховатли инсонлар бор бўлсин. Ҳозир бизнинг меҳр ўчоғимизда тарбияланганлар орасида шуҳратли кишилар озмунча эмас. Аммо 1959 йилда ташкил топгани сабабли бинолари эскирган, кўп масалалар ечилмаётган эди.

52 нафар кўнгли ўксик бола бағримизда. Ночор оилалардан топширилганлар ҳам, ота-онаси йўқ етимлар ҳам бор. Уларни 4 ёшдан қабул қилиб, 4-синфгача тарбиялаш асосий вазифамиз.

Ҳайтовур, «Қашқадарёматлуботсавдо» очиқ акциядорлик компанияси жамоамизни ўз оталиғига олди. Қўшимча бино қурилмоқда, байрамларда ўкситмай, йўқлаб туришибди. Компания саховати билан икки йилда болалар уйига 8 миллион сўм маблағ сарфланди. Бу ишларга компаниянинг молия бошқармаси бошлиғи Мустафо Ҳимматов бош-қош. Кийим-кечак билан таъминлашади. Ҳозир 3 миллион сўмлик мебелга буюртма берилган. Энди болалар шу жойда охирги синфгача ўқиб, илмли, ҳунарли бўлишлари учун шароитлар яхшиланмоқда.

Яна бир гап, оталиқ ташкилот болаларнинг ҳар бирига банкдан алоҳида ҳисоб очиб, 10 минг сўмдан юқори фоизли маблағ қўйган. Ҳисоблаб кўрилса, болалар 18 ёшга кирганда, бу маблағ 3,5 миллион сўмга етаркан. Илоҳим яхшиликка буюрсин.

■ **Земфира ГАЛИЕВА,**
Қаршидаги 3-меҳрибонлик уйи тарбиячиси



Каштекс АЖ

«Шўртангазкимё» мажмуи

Қўш саҳифани «Ўзбекистон овози» мухбирлари Ҳайдар НОСИРОВ, Юнус УЗОҚОВ ва Абдурасул ПАРДА (суратлар муаллифи) тайёрлашди.

НАВБАТ ФАРҒОНА ВИЛОЯТИГА

«Ўзмонтажмахсусқурилиш» уюшмаси қошидаги

«ТОШКЕНТ ҚУВУРЛАР ЗАВОДИ»

ЎЗБЕКИСТОН — РОССИЯ

қўшма корхонаси жамоаси

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ислом КАРИМОВнинг

Россия Федерациясига

расмий ташрифини

самимий муборакбод этади!

Икки давлат раҳбарлари ўртасида имзоланадиган ҳужжатлар мамлакатларимиз халқлари дўстлиги ва иқтисодий ҳамкорлигини янада ривожлантиришга хизмат қилади, деган умиддамиз.

Мустақил Ўзбекистонда муваффақиятли фаолият олиб бораётган «ТОШКЕНТ ҚУВУРЛАР ЗАВОДИ» қўшма корхонамиз бундан буён ҳам республикамиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, иқтисодий ислоҳотларни жадаллаштириш йўлида ўзининг муносиб ҳиссасини қўшаверади.

Ўзбекистон ва Россия дўстлик алоқалари умри боқий бўлсин!

БЕТАКРОР ЗАВҚ

Бугун анъанавий «Ҳавас» турнири бошланади

Юртимизда мухлисларнинг омадлари чопди. Гап шундаки, йил бошидан буён нуфузли мусобақалар бирбирига уланмоқда. Мана энди Юртбошимиз ташаббуси билан йўлга қўйилган «Ҳавас» мусобақаси иштирокчилари олтинчи марта майдонга тушишга шай бўлиб туришибди.

«Ҳавас»чилар яна ўз баҳсларини пойтахтнинг «Динамо» теннис мажмуида ўтказадилар. Маълумки, мусобақада раҳбар ходимлар, хусусан вазирлар, ҳокимлар, концерн, компания ҳамда қўшма корхоналарнинг бошлиқлари, шунингдек, депутатлик корпуси вакиллари ўзаро баҳслашадилар. Мусобақа ўтказиладиган маскан ҳар жиҳатдан пухта ҳозирланган. Ғолибларга соврин ва эсдалик совғалари мунтазир. Республика мусобақаси — жойларда ўтказилган саралаш баҳсларининг ғолиблари иштирок этиши кўзда тутилган. Совриндорлик баҳсини уюштиришга «Совпластитал» қўшма корхонаси «Фонон» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳомийлик қилмоқда. Майдонга жами 100 дан зиёд теннисчи тушиши мўлжалланган. Улар баҳсларни 32 та жуфтлик ва 48 та яккама-якка баҳслар тартибида ўтказадилар. Икки кун давом этадиган мусобақадан кейин турнир ғолиблари аниқланади.

■ Мирзо АНВАР

Туғилган кун

КИМ? ҚАЧОН?

7 МАЙ

Муртазо СУЛТОНОВ (1937) — иқтисод фанлари номзоди
Исомжон КЕНЖАЕВ (1965) — юнон-рум кураши бўйича Осиё чемпиони

8 МАЙ

Элланора ДМИТРИЕВА — Ўзбекистон рус академик драма театри актрисаси
Юрий СОБИТОВ (1943) — постановкачи режиссёр
Людмила ДУДНИК — гримчи-рассом

9 МАЙ

Мадина ТЎХТАЕВА — Аброр Ҳидоятов номидаги ўзбек давлат драма театри актрисаси
Тоҳир ҚАҲҲОР (1953) — шоир
Толиб ЙЎЛДОШЕВ (1919) — шоир

10 МАЙ

Исфандиёр МАТКАРИМОВ (1946) — ёзувчи
Турсуной СОДИҚОВА — шоира
Оллоназар ЭГАМНАЗАРОВ (1941) — шоир
Муҳаббат АБДУЛЛАЕВА — Аброр Ҳидоятов номидаги ўзбек давлат драма театри актёри
Ҳотам ФАЙЗИЕВ (1937) — кинооператор, постановкачи-режиссёр

11 МАЙ

Мариям САТТОРОВА — республикада хизмат кўрсатган артист
Дониёр БЕГИМҚУЛОВ (1946) — ёзувчи

12 МАЙ

Мадамин ЖЎРАЕВ (1940) — Ҳамза номидаги Қўқон мусиқали театри актёри

13 МАЙ

Ёқутхон АКРАМОВА — ёзувчи
Ҳошимжон ШУКУРОВ (1972) — СамМИ ЛОР кафедраси клиник ординатори

Табриклаймиз, қутлаймиз!
??? 133-12-56 !!!
Кўнгироқларингизни кутамиз.

Жамоа, ширкат хўжаликлари билан амалий ҳамкорликни таклиф этамиз.
Маҳсулотларингизни сотишда кўмаклашамиз.
Алматига етказиб бериш.
Код — 3272 пейжер: 531111, 533111, 971111
абонент: 42012

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!

Республика Кўчмас мулк биржасининг Тошкент вилояти филиали Сиз азизларни 2001 йил 6, 13, 20, 27 июнь кунлари соат 11.00 да ўтказиладиган навбатдаги аукцион савдоларига таклиф этади.

САВДОГА ҚУЙИДАГИЛАР ҚЎЙИЛАДИ:

1. Қуйи Чирчиқ тумани Ҳамза номли ширкат хўжалигида жойлашган сатҳи 600 кв.м. бўлган 10 та ер майдони.
Ҳар бир ер майдонининг бошланғич баҳоси — 26100 сўм.
2. Оҳангарон шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли Оҳангарон шаҳар, Холмуҳамедов кўчаси, 75-уйда жойлашган собиқ болалар ва ўсмирлар спорт мактаби биноси.
Бошланғич баҳоси — 777000 сўм.
Ушбу объектни сотишда ер майдони бу баҳога кирмайди.

Шунингдек, аввалги савдоларда сотилмай қолган ёки қайтган ер майдонлари, иншоотлар ва автотранспортлар ҳам ушбу савдоларда сотилиши мумкин.

Баржа савдолари ҳафтанинг сешанба, чоршанба, пайшанба кунлари ўтказилади.

Бизнинг манзилимиз: Тошкент шаҳар, Хоразм кўчаси, 51-уй, 3-қават, 9-хона.
ТЕЛ.: 133-77-18.
ФАКС: 133-49-31.

Тошкент вилояти Пскент тумани 7-сонли ўрта мактаб томонидан 1977 йилда туғилган Венедиктов Павел Сергеевич номига 1994 йил 23 июнда берилган А №444576 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Бектемир тумани Савдо департаменти томонидан «Феруза бону» хусусий фирмасига берилган савдо қилиш ҳуқуқини берувчи СИ-00938 рақамли ва алкоголь ичимликлари сотиш ҳуқуқини берувчи АИ-00913 рақамли 2000 йил 23 мартда берилган гувоҳномалар йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Н. Х. Базарбаев хусусий тадбиркорлик фаолиятини
ТУГАТАДИ.
Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб икки ой муддат ичида қабул қилинади. Мурожаат учун телефон: 51-04-46.

DUSHANBA 7

1 TV

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.45 «Таҳлилнома».
8.45, 17.55 ТВ-маркет.
8.50 Улуғ аждодларимизга эҳтиром. «Ўзбектелефильм» намойиши: «Камолиддин Беҳзод».
9.15 Эстрада тароналари.
9.40, 12.25 ТВ-метео.
9.45 «Ранглар жилоси».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар
10.05 «Нозикойим». Бадиий фильм.
11.30 Дони Зокиров номидаги халқ чолғу оркестрининг концерти.
12.05 «Шоҳрух» клуби.
12.30 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
12.55 ТВ-анонс.
13.00 «Даврани кенгроқ олинг». Мусиқий дастур.
13.25 «Олам». Телеальманах.
14.10 ТВ-1 намойиш этади. Телеанонс.
14.25 «Қишлоқ ҳаёти».
14.40 «Сеҳрли чироқ». Мультфильм.
16.05 «Зиё» студияси намойиш этади: «Эътиқод мустаҳкамлиги йўлида».
16.35 ТВ-клип.
16.45 «Бу ажиб фасл». Телеальманах.
17.10 Экранда - телесериал. «Борже узуги».
18.10 «Ўзбекистон фуқароси».
18.25 «Мусиқий альбом».
18.35 «Тафсилот».
18.50 «Бахтли воқеа». Телелотерея.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 «Биржа ва банк хабарлари».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Қалбингиз қўшиққа тўлсин». Мусиқий дастур.
21.30 «Маънавият» дастури. «Спорт» дастури:
22.30 «Баркамол авлод» спорт ўйинлари якунларига доир.
22.50 Теннис бўйича «Фьючерс» халқаро турнири.
23.20 «Ахборот».
23.55 Тунги сеанс: «Колонна». Бадиий фильм. 1-қисм.
1.00-1.05 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR TELEKANALI

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр тонги».
10.00 «Янги авлод» студияси: «Катта танаффус».
10.20 Саломатлик сирлари.
10.40 «2000 йилдан сўнг». Телесериал.
11.00 «Давр» ҳафта ичида.
11,40, 15.00 Мусиқий лаҳзалар.
11.50 «Танбур». Телефильм.
12.10 «Етти фарёд». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли. 1-қисм.
13.00 Мульттомоша
13.15 «Етти фарёд». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли. 2-қисм.
14.10 Жаҳон жуғрофияси: «Чесопик кўрфази фарзандлари».
15.10 «Улкан балиқ ови». Бадиий фильм.
16.20 «Эҳтиросларга йўғрилган ўйин». Видеофильм.
16.40 Ёшлар куйлайди.
16.55 Кўрсатувлар дастури.
17.00 «Янги авлод» студияси: «Қувноқ учрашув».
17.25 «Самовий саргузаштлар». Болалар учун телесериал. 21-қисм.
17.50 «Мульттомоша».
18.05 «Ҳақиқат чегараси». Телесериал.
18.30 Спорт ҳафтаномаси.
18.45 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 ТВ-анонс ва «Эколаш» латифалари.
19.35 Мусиқий лаҳзалар.
19.45 Алишер Навоийннинг 560 йиллигига. «Алишер Навоий». Видеофильм. 17-қисм.
20.20 Олтин мерос.
20.25 Ёшлар овози.
20.45, 21.15, 22.30 Эълонлар
20.50 «Рей Брэдбери театри». Телесериал.
21.20 Ёшлик наволари.
21.30 Қишлоқдаги тенгдошим.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 Тунги тароналар ва «Эколаш» латифалари.
22.40 «Даллас». Телесериал.
23.25 «Давр». Ахборот дастури.
23.40 «Ёшлар» телеканалида спорт: Футбол. Ҳафтанинг энг яхши ўйини.
1.15-1.20 Хайрли тун!

TV

18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 Мультфильм.
18.15 «2001 йил – Оналар ва болалар йили». «Халқ саломатлиги йўлида».
18.30, 21.00, 23.05, 00.15 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.55 «Эҳтиром ила».
19.25 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».
20.05, 21.25 «Табриклаймиз, қутлаймиз».
20.40, 22.45 «Экспресс» телегазетаси.
21.55 «Суҳбатдош».
22.10 «Авто-news».
22.25 «ТВ плюс».
23.30 «Оҳанглар ва эълонлар.
23.35 ТТВда сериал: «Селеста».
00.40-00.45 «Хайрли тун, шаҳрим!»

4 TV

14.00-15.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

15.00 Кўрсатувлар тартиби.
15.05 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
15.15 «Мультчархпалак».
15.30 «Вести».
16.00 «Морена Клара». Сериал.
16.45 «Контакт».
17.00 «Болалар куйлаганда».
17.15 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
17.25 «Саёҳатлар олами».
17.40 «Клип антракт».
17.45 «Мени кутгил».
18.40 «Ким миллионер бўлишни истайди?» Телеўйин.
19.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»
20.00 «Время».
20.40 «Бизнес-ревю».
20.50 «ТВ-4да Немис тўлқини».
21.10 «Клип антракт».
21.25 Кинематограф. «Доно Мондуҳай хоним». Бадиий фильм.
23.45 «Ахборот» (рус тилида)
00.10 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30 KANAL

17.55 га қадар профилактика.
17.55 Дастурнинг очилиши.
18.00 «Телеҳамкор».Фойдали газета.
18.25 «Шаддодлар ва гўзаллар». Телесериал.
18.50 «30-канал» кинооқшоми. «Ўрин алмашиб». Комедия (Австралия).
20.25 «Ошиқона». Мусиқий дастур.
20.30 «Телеҳамкор». Фойдали газета.
20.55 «Клип-совға». Телетабрикнома.
21.45 «30-канал» кинооқшоми. «Детектив Нэш Бриджес».
23.30 «30-канал» юмор кечаси. «Яширин камера билан». Ҳажвий сериал.

SESHANBA 8

1 TV

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ-маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
8.55 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Унутилган ўйинлар».
9.10 «Рақслар гулдастаси».
9.35, 13.05 ТВ-метео.
9.40 «Карлсоннинг қайтиши». Мультфильм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар
10.05 Кундузги сеанс: «Олтин занжир». Бадиий фильм.
11.30 «Бахтимизга омон бўлинг».
11.50, 13.55 ТВ-анонс.
12.05 «Маънавият» дастури.
13.10 «Оламга саёҳат». Кинокўрсатув.
13.30 «Оиламиз оҳанглари» телефестивали.
14.10 «Қувноқ стартлар». Телемусобақа.
14.50 ТВ-клип.
15.00 Кундузги сеанс: «Ёр-ёр». Бадиий фильм.
16.05 Болалар учун. «Қўшиғим - жон қўшиғим».
16.30 «Қизлар давраси».
17.40 «Адолат мезони».
18.10 Ойнаи жаҳон тақдимоти: «Қиролликдаги саргузаштлар». Мультфильм премьераси.
18.35 «Орзулар довони».
18.45 «Таянч нуқтаси».
19.00 «Куйла, ёшлигим».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 22.55 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 «Навоийхонлик».
21.15 «Сиёсат ва одамлар».
21.30 «Қўшиғимиз Сизга армуғон». Мусиқий дастур. «Спорт» дастури:
22.05 «Баркамол авлод» спорт ўйинлари якунларига доир.
22.25 Теннис бўйича «Фьючерс» халқаро турнири.
23.00 «Ахборот».
23.35 Тунги сеанс: «Колонна». Бадиий фильм. 2-қисм.
00.40.00-00.45 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR TELEKANALI

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» студияси: «Қувноқ учрашув».
9.40 «Самовий саргузаштлар». Болалар учун телесериал. 21-қисм.
10.05, 14.20, 15.20, 16.20 Мусиқий лаҳзалар.
10.10 «2000 йилдан сўнг». Телесериал.
10.30 «Алишер Навоий». Видеофильм. 17-қисм.
11.05 Олтин мерос.
11.10 «Даллас». Телесериал.
11.55 Ёшлар овози.
12.15 «Ҳақиқат черараси». Телесериал. 1-қисм.
12.45 «Ёшлар» телеканалида спорт: Футбол. Ҳафтанинг энг яхши ўйини.
14.30 «Рей Брэдбери театри». Телесериал.
14.50 Мультфильм.
15.30 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 86-қисм.
16.30 Кўрсатувлар дастури.
16.35 «Самовий саргузаштлар». Болалар учун телесериал. 22-қисм.
17.00 «Мульттомоша».
17.15 «Ҳақиқат чегараси». Телесериал. 2-қисм.
17.40 Таянч.
17.55 Ёшлар куйлайди.
18.10 Авторейд.
18.25 Алишер Навоийнинг 560 йиллигига. «Барҳаёт Навоий».
18.45 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 ТВ-анонс ва «Эколаш» латифалари.
19.35 «Давр»-интервью.
19.50 Мусиқий лаҳзалар.
20.00 «Алишер Навоий». Видеофильм. 18-қисм.
20.35 Олтин мерос.
20.40, 21.10, 22.30 Эълонлар
20.45 «Рей Брэдбери театри». Телесериал.
21.15 Муҳаббат қўшиқлари.
21.30 Ёшлар овози.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 Тунги тароналар ва «Эколаш» латифалари.
22.40 «Даллас». Телесериал.
23.25 «Давр». Ахборот дастури.
23.40 «Ёшлар» телеканалида спорт: Интерфутбол.
1.15-1.20 Хайрли тун!

TV

18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 Мультфильм.
18.10 «Спорт оламида».
18.30, 21.00, 23.00, 00.10 «Пойтахт». Ахборот дастури
18.55 «Эҳтиром ила».
19.25 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».
20.05, 21.25 «Табриклаймиз, қутлаймиз».
20.40, 22.40 «Экспресс» телегазетаси.
21.55 «Дурдона».
22.10 «Хонадонингиз осойишта бўлсин».
23.25 Оҳанглар ва эълонлар.
23.30 ТТВда сериал: «Селеста».
00.35-00.40 «Хайрли тун, шаҳрим!»
«Халқаро» телеканал

4 TV

14.00-15.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

15.00 Кўрсатувлар тартиби.
15.05 «Мультчархпалак».
15.20 «Клип-антракт».
15.30 «Вести».
16.00 «Морена Клара». Сериал.
16.45 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
16.55 «Ўз - ўзига режиссёр».
17.25 «Олам бўйлаб».
18.15 Кинематограф. «Судда кўришгунча». Бадиий фильм.
19.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»
20.00 «Время».
20.40 «Бизнес-ревю».
20.45 «Х- спорт».
21.00 «Клип антракт».
21.15 Кинематограф. «Сўнгги романс». Бадиий фильм.
23.35 «Ахборот» (рус тилида)
24.00 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30 KANAL

9.00 Дастурнинг очилиши.
9.05 «Телеҳамкор».Фойдали газета.Метеохабар.
9.30 «30-канал»да болалар соати.
10.30 «Мазахўрак». Дам олиш дастури.
11.00 «30-канал»да премьера. «Дарма ва Грег». Ҳажвий сериал.
11.30 «Телеҳамкор». Фойдали газета.
17.30 Дастурнинг очилиши.
17.35 «Икс-мен». Мультсериал.
18.00 «Телеҳамкор». Фойдали газета.
18.25 «Шаддодлар ва гўзаллар». Телесериал.
18.50 «30-канал» кинооқшоми. «Оқ қирол, қизил қиролича». Мелодрама.
20.25 «Ошиқона». Мусиқий дастур.
20.30 «Телеҳамкор». Фойдали газета.
20.55 «Клип-совға». Телетабрикнома.
21.45 «30-канал» кинооқшоми. «Виртуал ўйинчоқ». Ўткир сюжетли фильм.
23.30 «30-канал»да ҳужжатли кино. «Халокатлар анатомияси». Ҳужжатли сериал.

CHORSHANBA 9

1 TV

ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ.

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 ТВ-маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
8.55 «Кўҳна замин оҳанглари». Мусиқий дастур.
9.30 «Алпомиш». Мультфильм.
9.50, 12.50 ТВ-метео.
9.55 «Тиббиёт одимлари».
10.05 ТВ-клип.
10.15 «Камолот сари».
10.35 «Алиса». Мультфильм.
11.50, 14.05 ТВ-анонс.
12.00 Янгиликлар.
12.05 «Оталар чойхонаси».
12.55 «Бардош». Бадиий фильм.
14.10 Болалар учун. «Кичкинтоймиз-гижингтоймиз».
14.35 «Остонаси тиллодан».
15.00 Болалар учун. «Зарб-2001» кўрик-танлови.
15.25 «Муҳаббат султони». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли.
16.50 ТВ-клип.
16.55 «Ватанимга хизмат қиламан».
17.55 ТВ-маркет.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Сеҳрли ҳарфлар оролчаси».
18.30 «Иқтисод ва биз».
18.40 «Аёл дунёни тебратар». Бадиий-публицистик кўрсатув.
18.55 Мусиқий альбом.
19.05 «Эл тинчлиги йўлида».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.55 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 «Юзма-юз».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Долзарб мавзу».
21.20 «Ўзбекистон – Ватаним маним». Мусиқий дастур.
22.00 «Баркамол авлод» спорт ўйинлари якунларига доир.
22.20 «Олам». Телеальманах.
23.00 «Ахборот».
23.35 «Ўткан кунлар». Бадиий фильм.
1.10-1.15 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR TELEKANALI

7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 «Давр тонги».
9.00 «Мульттомоша».
9.15 Болалар учун концерт.
9.35 «Самовий саргузаштлар. Болалар учун телесериал. 22-қисм.
10.00 «Давр». Ахборот дастури.
10.15 «Алишер Навоий». Видеофильм. 18-қисм.
10.50 Ватан ҳақида қўшиқлар.
11.00 «Сен етим эмассан». Бадиий фильм.
12.15 Ботир Зокиров қўшиқлари ёш хонандалар ижросида.
12.35 «Ҳақиқат чегараси» Телесериал.
13.00 Марду майдон.
13.15 «Ниҳол» мукофотининг совриндорлари куйлайди.
14.30 «Маҳаллада дув-дув гап». Бадиий фильм.
15.50 Таваккал Қодиров қўшиқлари ёш хонандалар ижросида.
16.05 «Ҳотира майдони». Телефильм.
16.25 Комилжон Отаниёзов қўшиқлари ёш хонандалар ижросида.
16.40 Кўрсатувлар дастури.
16.45 «Янги авлод» студияси: «Болалар учун концерт».
17.00 «Мульттомоша».
17.15 «Ҳақиқат чегарраси». Телесериал.
17.40 Мусиқий лаҳзалар.
17.50 «Хотира». Видеофильм.
18.40 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 ТВ-анонс.
19.35 Ёшлик наволари.
19.55, 22.30 Эълонлар
20.00 «Спорт-лото».
20.10 Очил дастурхон.
20.30 «Умрбоқий қўшиқлар». Мусиқий фильм.
20.50 «Алишер Навоий». Видеофильм. 19-қисм.
21.20 Юлдуз Усмонова: «Сени куйлайман, Ўзбекистон».
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.40 Тунги тароналар.
22.50 «Мафтунингман». Бадиий фильм.
0.10 «Давр». Ахборот дастури.
0.25-0.30 Хайрли тун!

TV

18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 Мультфильм.
18.30, 21.00, 23.05, 00.40 «Пойтахт». Ахборот дастури
18.55 «Эҳтиром ила».
19.25 «Соғинч». С. Зуннунова.
19.40, 21.25 «Табриклаймиз, қутлаймиз».
20.10 «Ўз касбининг фидойилари».
20.20, 22.15 «Экспресс» телегазетаси.
20.40 «Мисли гавҳар».
21.55 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
22.35 «Сиз соғинган наволар».
23.30 Оҳанглар ва эълонлар.
23.35 Кинонигоҳ. «Тўйлар муборак».
1.05-1.10 «Хайрли тун, шаҳрим!»

4 TV

14.00-15.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.

15.00 Кўрсатувлар тартиби.
15.05 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
15.15 «Мультчархпалак».
15.30 «Вести».
16.00 «Морена Клара». Сериал.
16.45 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
16.55 «Болалар куйлаганда».
17.05 Телефильм.
17.20 Кинематограф. «Эдит ва Марсель». Бадиий фильм.
19.20 «Кўнгил – кўнгилга пайванд». Шоу дастури.
20.00 «Время».
20.40 «Бизнес-ревю».
20.50 «Вақт хазинасидан».
21.05 «Клип антракт».
21.20 Кинематограф. «Тақдир эшиги». Бадиий фильм.
22.30 «Ахборот» (рус тилида)
22.55 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30 KANAL

9.00 Дастурнинг очилиши.
9.05 «Телеҳамкор». Фойдали газета. Метеохабар.
9.30 «30-канал»да болалар соати.
10.30 «Яхши кайфият». Мусиқий-дам олиш дастури.
11.00 «30-канал»да премьера. «Дарма ва Грег». Ҳажвий сериал.
11.30 «Телеҳамкор». Фойдали газета.
12.00 «Белорус вокзали». Бадиий фильм.
13.40 «Президент қизи билан учрашув». Комедия (АҚШ).
16.10 Ҳинд киноси. «Йўлдан урадиган одам».
17.30 Дастурнинг очилиши.
17.35 «Икс-мен». Мультсериал.
18.00 «Телеҳамкор». Фойдали газета.
18.25 «Шаддодлар ва гўзаллар». Телесериал.
18.50 «30-канал» кинооқшоми. «Муҳаббатда мажнун бўлган». Комедия (Италия).
20.25 «Ошиқона». Мусиқий дастур.
20.30 «Телеҳамкор». Фойдали газета.
20.55 «Клип-совға». Телетабрикнома.
21.45 «30-канал» кинооқшоми. «Худони тасвирлаб». Ўткир сюжетли фильм (АҚШ).
23.30 «30-канал»да қизиқарли учрашувлар. Тамара Гвердцители.

(Давоми келгуси сонда).

BOSH MUHARRIR
Azim SUYUN

MUASSIS:
ÓZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BÓLIMLAR:
Siyosat va huquq — 133-44-55
Iqtisodiyot — 133-76-04
Ma'naviyat — 133-07-20
Xatlar va ommaviy ishlar — 133-12-56, 136-55-16
Axborot — 133-12-56
Kotibiyat — 133-72-83
Reklama va e'lonlar — 133-47-80, 133-38-55
Faks — 133-73-43, 133-06-83

Gazeta 1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan.

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16;
Buxoroda — 222-10-92;
Gulistonda — 25-03-80;
Jizzaxda — 5-49-85;
Navoiyda — 3-39-20;
Namanganda — 6-43-43;
Nukusda — 222-70-12;
Samarqandda — 35-20-54;
Toshkentda — 136-53-16;
Urganchda — 226-51-35;
Fargonada — 26-43-62;
Qarshida — 4-61-35;
Termizda — 3-79-98.

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi
Sohibjon SALIMOV

Gazeta «Ozbekiston ovozi»-ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi
Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili:
Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta Ózbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qómitasida 00004-raqam bilan rólyxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A—2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«Ózbekiston ovozi» materiallarini kóchirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 2002

Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 23.20
1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA